

**№ ИСТ-2022/ СЗ-7 -сонли
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ**

29 август 2022 йил

Термиз шахри.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси номидан 2022 йил 24 январдаги №20-рақамли Баш ишончнома асосида иш курувчи Менглиев Юсуф Амирқулович бир томондан ва кейинги ўринларда «Бош пудратчи» деб юритиладиган "Алоқа имкон" МСНJ номидан низом асосида иш курувчи Турсунов Ф. иккинчи томондан Сариосиё тумани Анорзор МФЙ ЁСТЗда ичимлик сув тармоғи қуриш ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Тарифлар

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича обьектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Сариосиё тумани Анорзор МФЙ ЁСТЗда ичимлик сув тармоғи қуриш ишларини лойихада кузда тутилган обьектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, Ўзбекистон Республикаси ТХАБ нинг UzEx TENDER тизимида ўтказилган № 22110012138926-сонли Лот бўйича танлов савдолари бўйича 2022 йил 26 августдаги №138926-сонли баёномасига асосан обьектнинг умумий қурилиш қиймати қўшимча қиймат солиги билан биргаликда **537 048 533 (Беш юз ўттиз етти миллион қирқ саккиз минг беш юз ўттиз уч)** сўмни ва 2022 йилдаги капитал қуриш ва реконструкция қилиш ишларининг **Манзилли рўйхатига** асосан ажратилган жорий лимит **510 200 000 (беш юз ўн миллион икки юз минг)** сўмни ташкил қиласди.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишилар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқقا ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишиларни бажариш учун:

барча ишиларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишиларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Буюртмачи томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ жорий ойнинг 25-санасидан кечиктирмасдан бажарилган ишиларнинг далолатномаларини (бузилиш даолатномаси, объектнинг паспорти, яширин ишилар далолатномаси, фойдаланилган қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ичимлик суви учун фойдаланилган полиэтилен қувурларини эзарсизлантириш бўйича синов ҳисоботи (СЭС дан), ишни ишлаб чиқариш учве умумий журнал, фотосуратлар ва бошқалар) тақдим этиш;

қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишиларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

курилиш таваккалчилкларини сугурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишиларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага ишиларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишилар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишиларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун хужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан _____ кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига (2-илова) мувофиқ белгаланган муддатларда амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи микдорида **161 114 559,90 (бир юз олтмиш бир минг бир юз ўн тўрт минг беш юз эдик тўққиз)** сўм 90 тийин маблағларни ўтказиб беради

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1 ва 2-иловалар).

16. Пудратчи томонидан иншоотда ойма-ой бажарилган ҚМИларни жорий молиялаштиришга буюртмачи томонидан тасдикланган ҳисоб-китоб маълумотномаси (справка счет-фактура о понесенных затрат) асос булади.

- Жорий молиялаштириш бажарилган КМИ сифати ЛСХга мувофиклиги текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ойма-ой бажарилган КМИни 65 фоизи микдорида амалга оширилиб, объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизи доираси микдорида булади.

- КМИларни 95 фоизгacha жорий молиялаштириш Республика бюджети, махаллий бюджет ва бюджетдан ташкари фондлар маблаглари ҳисобидан жорий йилда тасдикланган манзилли дастурда назарда тутилган маблаг микдоридан келиб чиқиб амалга оширилади ёки молиявий маблаг билан таъминлаш шартномаси (договор рефинансирование) асосида ажратилган маблаг ҳисобидан амалга оширилади.

- «Буюртмачи» шартнома тузилган иншоотда бажарилган ишлар учун «Пудратчи»га тўловни; Уз. Рес. ВМнинг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли карорининг 2-илова 49-бандига асосан «Маблаг билан таъминловчи орган» «Буюртмачи» томонидан тақдим этилган хужжатлар асосида ушбу Низомда назарда тутилган тартибда Инвестиция лойихасини маблаг билан таъминлаш манзилли дастур асосида амалга оширгандан сунг, Молия органи томонидан тасдикланган ва рўйхатдан ўтказилган хужжатлар сметаси асосида молиялаштиришни вилоят Газначилик бошкармаси оркали амалга оширади. «Маблаг билан таъминловчи орган» томонидан иншоот учун маблаг ажратилмаган тақдирда «Буюртмачи» иншоотда бажарилган ишлар учун «Пудратчи»га тўловларни шартномада белгилangan муддатларда амалга ошириш мажбуриягини олмайди ва иктисадий суди олдида молиялаштирилмаган маблаг учун жавобгар бўлмайди. Ушбу қоидалар манзилли дастур объектларига ҳамда махаллий бюджетдан бериладиган объектлар маблағларига ҳам таллуқли.

17. Объект қийматининг 5 (беш) фоизи микдори толови шартномадаги ишлар тулик бажарилиб натижаси харажатлар ҳисоб-китоб маълумотномаси (справка счет-фактура о понесенных затрат) шаклида расмийлаштирилиб буюртмачига топширилиб, кафолатли муддат утгач ва фойдаланувчи ва буюртмачи томонидан иншоотнинг КМИлари буйича эътиrozлар йуклиги тугрисидаги уч томонлама далолатнома тулик имзолангандан кейин амалга оширилади.

- Объектнинг 5 фоизлик кафолат маблағи пудратчига тўлангангунга қадар иншоотни фойдаланувчи балансига олганлиги тўғрисида маълумотнома (авизо) тасдикланган бўлиши лозим.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равища хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник назоратчини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбобускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник назоратчини ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўtkазиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равища қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг [VI бўлимида](#) кўrsatilgan муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустақил равища ташкил этади.

24. Пудратчи обьектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва обьектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан обьектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбобускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужжатларида кўrsatilgan спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равища хабардор киласди.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларида жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишлиарни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошиrsa, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сириради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишилар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтирида ўз фикрини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк обьект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равища узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиши учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиласди.

43. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган обьектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча

мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб **15** кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лоиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёллари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лоиха ҳужжатларидан кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида **12** ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида **60** ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимидан назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чикиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёллари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган, ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарларни коплайди:

-Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкacha жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартнома тегишли иловаларида курсатилган уз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, уз вактида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи бош пудратчига кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,2 фоизи микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар кийматининг **40** фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод килмайди.

60. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи бош пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **0,5** фоизи микдорида жарима тулайди.

61. Бош пудратчи объекtnи уз вактида ишга тушириш бўйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,2 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бундан пенянинг умумий суммаси объекt шартномавий жорий кийматининг 40 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вактида бартараф этилмагани учун бош пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун қурилиш нормаларига мос равишда бажарилмаганлиги учун бажарилган ишлар кийматининг 0,2 фоизи микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси қурилиш нормаларига риоя этилмаган холда бажарилган бажарилган ишлар кийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод килмайди.

62. Агар бажарилган қурилиш-монтаж ишлари лойиха талабларига, белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, ишчи хужжатларига мувофик булмаса, у холда Буюртмачи «Давархитекткурилишназорат» инспекциясининг хulosаси асосида, объекtnи кабул килиш ва унинг учун хак тулашдан бош тортishi, шунингдек бош пудратчидан қурилиш нормаларига риоя килинмаган холда бажарилмаган яни зарур даражада булмаган ишлар кийматининг 5,0 фоизи микдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон

тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган жарима билан копланмаган заарни коплайди.

64. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун жарима тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилинча шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Термиз туманлараро иктисадий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равища тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари кўлланилади.

72. Мазкур шартномага томонлардан бош пудратчи ва буюртмачи томонидан имзо кўйилгандан сўнг ва Газналик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан кейин қонуний хисобланади.

73. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

74. Мазкур шартнома 2022 йилнинг 31 декабрига қадар амалда бўлади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

«Буюртмачи»

«Пудратчи»

**“Сув таъминоти ва оқова сув обьектлари
қурилиши бўйича инжиниринг
компанияси” УК Сурхондарё вилоят
худудий бошқармаси**
Термиз ш. Таракқиёт кўчвси-2 уй
СТИР: 305965322 ОКОНХ
Ш/xp: 301121860224017063201110053
Сурхондарё вилоят Ғазначилик бошқармаси
Ғазна хр 23402000300100001010
МБ ББ ХККМ Тошкент ш, МФО 00014
Ғазначилик бўлим СТИР: 201 122 919



Бошлиқ:  Ю. Менглиев

"Алока Имкон" МЧЖ

Адресс: Сариосиё туман Дустлик маҳ 232
Р/счёт 2020 8000 5046 5923 1001
АТБ «Кишлоқ қурилиш банк» Сариосиё ф.
МФО 00934 ИНН: 300 627 476
Тел :90 645 18 81

Рахбар:  Ф. Турсунов

Хукуқшунос :

2022 йил



ОБЪЕКНИ МОЛИЯЛАНТИРИШ БҮЙЧА УМУМИЙ ЖАДВАЛИ
Сарисөөгүмөн Анорзор МФЙ ЕСТГДа ичинмлик сув тармоги куриш

БҮНАК БЕРИН ВА ЖОРЫЙ МОЛИЯЛАНТИРИШ ШАРГЛАРНИН ХИСОСБА ОЛГАН ХОЛДА

Объекттинг умумий куриши киймат күпимчада 537 048 533 (Беш юз үттиз стти миллион кирк саккиз минг беш юз үттиз уч) сүмни ва 2022 йилдаги капитал куриш ва реконструкция килиши
ишларининг Манзилли рүнхатига асосан ажратилган жорий лимит 510 200 000 (беш юз үн миллион иккиси юз минг) сүмни ташкил килдээ.

тийин

МОЛИЯЛАНТИРИШ ШАРГЛАРИ	Ишларниң нарахи	2022 й.						2023 йил
		апрел	май	июнь	июль	август	сентябрь	
30% мисқорида бүнак	161 114 559,90						161 114 559,9	
Амалга оширилган ишларниң 60% мисқорида жорий молиялаштириши	359 081 547,00						179 540 773	179 540 774
Колган 10% объекттинг кафолат муддати тутаганидан кейин	26 852 426,00							26 852 426
ИТОГО:	547 048 533						161 114 559,9	179 540 774
							0	26 852 426

Буюртмачи:

“СУВТАМНОТО ВА ОКОВА СУВ ОБЪЕКТАРИ КУРИШИ БҮЙЧА
ИЖИНИНИРИНГ КОМПАНИЯСЫ” МК Сурхондарё вилоят худудий

бонцкармаси

Ю.Менглиев

Пубратчи:

“АЛОКА ИМКОН” ХК



Ф.Гурсунов

ОБЪЕКТДА ИШЛАРНИ ИШЛАБ ЧИКАРИШ УМУМИЙ ЖАДВАЛИ

Сарисоёй тумани Анорзор МФЙ худудидаги ЁСТЗда ичимлик суви тармотини куриши

БҮННАК БЕРИШ ВА ЖОРЖИЙ МОЛЯЛШАШТИРИШ ШАРГЛАРИНИ ХИСОБГА ОЛГАН ХОДЛА

Ишлаб чикариш даври: - 2 ой

Объекттинг умумий курилиш киймати кўшимча киймат солиги билан биргаликда 537 048 533 (Беш юз ўттиз етти миллион кирк саккиз минг беш юз ўттиз ун) сўмни ташкил килади.

Ишларнинг номи	Ишнинг нархи	2022 й.						сўм		
		апрел	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабр
Объект бўйича жами:	537 048 533						268 524 267	268 524 266		
Жумладан:										
Курилиш-монтаж ишлари	403 535 833						268524267	135011566		
Ускуналар	133 512 700						133 512 700			

Буюргчали:

Пурратчи:

“Сув тальминоти ва окова сув объектлари курилиши бўйича
инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят худудий
башкармаси

Ю.Менглиев



“АЛОҚА ИМКОН” ХК
Ф.Туреунов





«Тасдиклайман»

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК
Сурхондарё вилоят худудий бошкармаси башлиғи
Ю.Менглиев
2022

ҚУРИЛИШНИНГ ТИТУЛ РЎЙХАТИ

I бўлим. Асосий қурилиш маълумотлари

1. Қурилиш майдонининг номи ва жойлашуви	Сариосиё тумани Анорзор МФЙ ЁСТЗда ичимлик сув тармоғи қуриш				
2. Соҳа	Коммунал хўжалик				
3. Инвестор	МВ хузуридаги “Сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш” жамғармаси				
4. Буюртмачи	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят худудий бошкармаси				
5. ЛСХ Ишлаб чиқувчилар:	5.1. ТИА "Саловат сифат лойиха" МЧЖ				
5.2. ПСД ёки ТД	Мавжуд				
5.3. Экспертизалар	09.08.2021 йилдаги №55778				
6.1. Бош пудратчи	"АЛОҚА ИМКОН" ХК				
7. Молиялаштириш манбани	Давлат бюджети				
8. Қурилишни бошлаш ва тугатиш муддати	2022 й.				
Асосий қурилиш кўрсаткичлари:	ПСД бўйича	01.01.2022 й. холатига қолдиқ	01.01.2023 й. холатига қолдиқ		
Куввати (тегишли бирлиқда)	0,2 км 1 обьект	0,2 км 1 обьект			
Асосий фондлар	573,54		26,85		
Капитал қўйилма	573,54		26,85		
Қурилиш-монтаж ишлари	403,54		20,18		
Ускуналар, инвентар	133,51		6,68		
Бошка ишлар ва хизматлар	18,49		0,00		
Буюртмачи хизматини саклаш харажатлари	18,00		0,00		
ИТКҚВ ва МФ билан келишилган манзиллар рўйхатига мувофик 2022 йил учун прогноз	Шартнома нархларида (млн сўм)				
Куввати (тегишли бирлиқда)	0,2 км 1 обьект				
Асосий фондлар	573,54				
Капитал қўйилма	573,54				
Қурилиш-монтаж ишлари	403,54				
Ускуналар, инвентар	133,51				
Бошка ишлар ва хизматлар	18,49				
Буюртмачи хизматини саклаш харажатлари	18,00				
II бўлим 2022 йил учун прогнознинг чораклик тақсимоти. (жорий нархларда миллион сўм)					
	Бир йил учун жами	шу жумладан чораклар бўйича:			
		I	II	III	IV
Кувватларни ишга тушириш	0,2 км 1 обьект				
Асосий фондлар	573,54				
Капитал қўйилма	546,69				
Қурилиш-монтаж ишлари	383,36			161,11	222,245
Ускуналар, инвентар	126,84				126,837
Бошка ишлар ва хизматлар	18,49				18,49
Буюртмачи хизматини саклаш харажатлари	18,00				18,00

Буюртмачи :

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят худудий бошкармаси


Бош инженер:
О.Бобомуродов

Пудратчи:
"АЛОҚА ИМКОН" ХК

Ф.Турсунов



Информация о юридическом лице (По данным регистрирующих и уполномоченных органов)

Общие сведения

ИНН:	300627476
Регистрирующий орган:	Хокимият района (города)
Дата регистрации :	23.11.2007
Номер регистрации:	660
Наименование юридического лица:	"ALOQA IMKON" mas` uliyati cheklangan jamiyati
Код ОПФ:	152 - Общество с ограниченной или дополнительной ответственностью
Код ОКЭД:	42210 - Строительство распределительных инженерных объектов
Код СООГУ:	79994 - Субъекты предпринимательства, не вошедшие в структуры органов государственного и хозяйственного управления

Принадлежность к субъектам малого предпринимательства:

Да

Состояние активности:

Действующие предприятия

Уставный фонд:

1 058 840 000,00 UZS

Информация о руководителе

Имя руководителя:	TURSUNOV FAXRIDDIN ABDUXALIMOVICH
1. Tursunov Faxriddin Abduxalimovich	100,00
2.	
3.	
4.	
5.	

Контактные данные

Адрес электронной почты:	Info@pakiradoiry.com
Контактные телефоны:	919112511
Код СОАТО:	1722217862 - Surxondaryo viloyati, Sarosiyon tumani, O'zbekiston QFY
Улица, тупик, дом:	Do`stlik mahallasi, raqamsiz uy

Данные актуальны на 07/09/2022

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Сурхондарё вилоят худудий бошқармаси бошлиғи,



Ю.Менглиев

2022 йил

Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК Сурхондарё вилоят худудий бошқармаси ички танлов комиссиясининг йигилиш

БАЁНИ № 7

2022 йил 29-август

Термиз ш

Комиссия раиси:

О.Бобомуродов

Аъзолари:

Б.Чориев
У. Раимов
И. Кулбоев
Ж. Кличев

Кун тартибидаги масала:

Сариосиё тумани Анорзор МФЙ худудидаги ЁСТЗда ичимлик суви тармогини қуриш ишларини бажариш учун пудрат ташкилотларни танлаб олиш мақсадида ички танлов ўтказиш хакида

Эштилди: Ушбу масала бўйича “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят худудий бошқармаси бошлиғи Ю.А.Менглиев сўз олиб, ўз сўзида Сариосиё тумани Анорзор МФЙ худудидаги ЁСТЗда ичимлик суви тармогини қуриш ишларини бажариш учун пудрат ташкилотларни танлаб олиш учун махсус ахборот порталига энг яхши таклифларни танлаш учун ЛОТ 138926 билан эълон жойлаштирилиб эълон муддати 26.08.2022 йил тугади ва 26.08.2022 йил талабгор "ALOQA IMKON" МЧЖ си 548 008 707 сум билан голиб бўлган электрон протокол шаклланган. Ўзбекистон Республикасининг №684 Қонунига асосан ушбу протокол 2 иш куни муҳокамада турди ва шу даврда ҳеч қанда шикоят келиб тушмаганлигини инобатга олиб,

Йигилиш қатнашчилари ўзаро фикрлар алмашиниб, ўзора келишиб,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Сариосиё тумани Анорзор МФЙ худудидаги ЁСТЗда ичимлик суви тармогини қуриш ишларини бажариш учун "ALOQA IMKON" МЧЖ билан шартнома тузилиб, тўловлар амалга оширилсин.
2. Мазкур топширикни бажариш бош хисобчи А.Бухаров зиммасига юклатилсин.

Комиссия раиси:



О.Бобомуродов


Аъзолари:


Суриев

Б.Чориев


Раймов

У. Раимов


Кулбоев

И. Кулбоев

Ж. Кличев

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 138926 на приобретение Сариосиё тумани, Анарзор МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда ичимлик суви тармоғи, сув иншооти ва сув тозалаш иншооти қуриш

Способ проведения электронный

Дата 26.08.2022

Время рассмотрения 26.08.2022 20:30

Конкурсная комиссия ГУП Инжиниринговая компания по стр-ву объектов водоснабжения и канализации Министерства жилищно-коммунального обслуживания Республики Узбекистан, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	MENGLIYEV YUSUP AMIRQULOVICH	Бошлик	“Сув таъминоти ва оқова сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси
Секретарь комиссии	AQBAYEV NURIDDIN JUMANAZAROVICH	бош мутахассис	“Сув таъминоти ва оқова сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	KLICHEV JAMSHID KAMOLOVICH	юрист	“Сув таъминоти ва оқова сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	QULBOYEV IKROM O'SAR O'G'LII	Бош мутахассис	“Сув таъминоти ва оқова сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	RAIMOV ULUG'BEK SAPAROVICH	Бош мутахассис	“Сув таъминоти ва оқова сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	BOBAMUROTOV OMON XAYITOVICH	Бош инженер	“Сув таъминоти ва оқова сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 26.08.2022 года № лота 138926.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Строительно монтажные работы
Подробное описание	Сариосиё тумани Анарзор МФЙ ҳудудидаги ЁСТЗда ичимлик суви тармоғини қуриш обьектига пудратчи аниклаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	

Цена товара (услуги) за единицу	548 008 707.00
Стартовая сумма	548 008 707.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ўхашаш объектларда охирги 3 (уч) йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумотлар (2-шакл).

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдагига ўхашаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига (Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади) Танлов савдодагига ўхашаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Алока Имкон	20	20	15	Экспертная		
UNIQUE POWER TERMIZ MCHJ	20	20	7	Экспертная		

Критерий №2 Танлаш иштирокчиси ҳақидаги умуний маълумотлар (1-шакл).

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. (Диплом ва меҳнат дафтарчаларида нусхалар илова қилиниши шарт) Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга мухандис-қурувчилар (участка бошликлари, мастерлар) нинг 2 киши мавжудлиги. (Диплом ва меҳнат дафтарчаларида нусхалар илова қилиниши шарт) Домимий равишда ишловчи 15 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги Мехнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Алока Имкон	15	15	15	Экспертная		
UNIQUE POWER TERMIZ MCHJ	15	15	13	Экспертная		

Критерий №3 Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати (3-шакл).

Тип: Текстовое значение

Описание: Талабгорнинг молиявий ҳолати (шаклга молиявий натижалар тўғрисидаги З йиллик хисоботлар илова килинади) Давлат солиқ идорасидан иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртacha сони бўйича кўрсаткичлари ҳамда муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаса (солиштирма далолатнома асл нусхаси (муддати бир ойдан ошмаслиги лозим))

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Алока Имкон	20	20	20	Экспертная		
UNIQUE POWER TERMIZ MCHJ	20	20	20	Экспертная		

Критерий №4 Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20% гача миқдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги түғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади) (4 шакл)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Алока Имкон	10	10	10	Экспертная		
UNIQUE POWER TERMIZ MCHJ	10	10	10	Экспертная		

Критерий №5 машина ва механизmlари мавжудлиги (5 шакл).

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойихани амалга ошириш учун зарур буладиган корхона хисобида (ёки лизинг асосида олинган) 3 тадан 5 тагача Курилиш машиналари ва механизmlарининг мавжудлиги. (Ижарага олинган бўлса баллар миқдори 50%га камайтирилади) Лойихани амалга ошириш учун зарур буладиган 15 тадан кам бўлмаган кичик механизmlарнинг мавжудлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Алока Имкон	15	15	10	Экспертная		
UNIQUE POWER TERMIZ MCHJ	15	15	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
UNIQUE POWER TERMIZ MCHJ	548 008 707.00	548 008 707.00 UZS	548 008 707.00	00.00	548 008 707.00	25.08.2022 17:35:54	19.60
Алока Имкон	548 008 707.00	537 048 533.00 UZS	537 048 533.00	00.00	537 048 533.00	25.08.2022 12:16:40	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
UNIQUE POWER TERMIZ MCHJ	60	19.6	79.6
Алока Имкон	70	20	90

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 138926 от 26.08.2022 года на приобретение Сариосиё тумани, Анарзор МФЙ

Худудидаги КСЗда ичимлик суви тармоғи, сув иншооти ва сув тозалаш иншооти қуриш определила победителем:

Алока Имкон
300627476

и резервный исполнитель: UNIQUE POWER TERMIZ MCHJ (307497594)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	MENGLIYEV YUSUP AMIRQULOVICH	Согласен	
Член комиссии	QULBOYEV IKROM O'SAR O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	RAIMOV ULUG'BEK SAPAROVICH	Согласен	
Член комиссии	BOBAMUROTOV OMON XAYITOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**ОБЪЕКТЛАРНИ ДАВЛАТ МАБЛАГЛАРИ ВА ҲУКУМАТ ҚАФОЛАТИ ОСТИДАГИ КРЕДИТЛАР ХИСОБИГА БАРПО
ЭТИШДА ҚУРИЛИШ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ МАЖБУРИЙ СҮФУРТА ҚИЛИШ БҮЙИЧА
10-099/01250-СОНЛИ ШАРТНОМА**

2022 йил “05” сентябр

Термиз ш.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2022 йил “25” февралдаги SF № 00042-сонли Лицензияси ва Устав асосида фаолият кўрсатувчи “Imkon-Sug’urta” АЖ нинг Сурхондарё вилояти филиали бундан кейин матнда «Сүгурталовчи» деб юритилувчи номидан 2022 йил “01” мартдаги 44-сонли Ишончнома асосида харакат килувчи А.Х.Тўракулов бир томондан ва Низом асосида фаолият юритувчи “Алоқа имкон” МСНJ бундан кейин матнда «Сүгурталанувчи» деб юритилувчи номидан Низом асосида харакат килувчи Ф.Турсунов иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилувчилар кўйидаги шартлар асосида мазкур шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Сүгурталовчи Сүгурта килдирувчи/Наф олувчининг мулкий маңбаатларини, ҳамда қурилиш пудрати шартномасида кўзда тутилган қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш вактида учинчи шахслар ҳаёти, соглиги ва мулкига зарар етказиш учун Сүгурта килдирувчининг жавобгарлигини сүгурталайди ва сүгурта ходисаси рўй берган тақдирда, Сүгурта пули доирасида сүгурта Шартномасида белгиланган тартибда, Сүгурта килдирувчи/Наф олувчи заарларини коплаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Сүгурта Шартномаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 декабр 20 декабрдаги 532-сонли “Объектларни давлат маблаглари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар хисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиларини мажбурий сүгурта килиш тўғрисида”ги Карорига мувофик тузилган.

II. ШАРТНОМАДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АТАМАЛАРНИНГ ТАВСИФИ

Мазкур шартномада қўйидаги маънога ога атамалар қўлланган.

Сүгурта шартномаси – Сүгурталовчи ва Сүгурта килдирувчи ёзма келишув. Сүгурта полиси, ариза-анкета, иловалар, истиенолар, алоҳида келишилган шартлар Сүгурта шартномасининг ажралмас кисмлари хисобланади.

Сүгурта обьекти - Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги 532-сонли Карори талабаридан келиб чиккан ҳолда бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, машиналар, уларга эҳтиёт кисмлар, материаллар ва қурилиш майдонида бўлган ҳамда сүгурта шартномасида кайд этилган қурилиш ва монтаж буюмини ўзида ифодалайдиган бошка мол-мулк, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳаётига, соглигига ва мол-мулкига зарар етказганлиги учун Сүгурта килдирувчининг жавобгарлиги сүгурта килиш обьектлари хисобланади.

Сүгурта полиси – Сүгурта килдирувчига сүгурта мукофотини Сүгурталовчига тўлиқ тўлаганидан сўнг бериладиган ва сүгурта шартномаси тузилсанлигини, ҳамда Сүгурта шартномаси шартларига мувофик, Сүгурталовчининг сүгурта товонини тўлаш мажбурияти кучка кирганинги тасдикловчи хужжат.

Сүгурта килдирувчи - Сүгурта шартномасини тузган, сүгурта мукофотини тўлаётган ва Сүгурталовчи билан аник сүгурта муносабатларига кираётган, сүгурта килинаётган мулкни сакланишидан маңбаатдор шахс.

Наф олувчи – фойдасига Сүгурта шартномаси тузилган шахс. Агар Сүгурта шартномасида бошка шахс кўрсатилмаган бўлса, Сүгурта килдирувчи Наф олувчи деб тан олинади.

Учинчи шахс – Сүгурта килдирувчи билан шартномавий муносабатлари мавжуд бўлмаган, ва қурилиш пудрати шартномаси билан кўзда тутилган қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш вактида унинг ҳаёти, соглиги ва мулкига зарар етказилиши мумкин жисмоний ёки юридик шахс.

Учинчи шахслар категорига Сүгурта килдирувчи, унинг ходимлари, ҳамда ўз шартномавий мажбуриятларини амалга оширишда Сүгурта килдирувчи номидан иш кўраётган жисмоний ва юридик шахслар киритилмайди.

Мулк – сүгурта Шартномасида белгиланган бино, иншоот, жиҳоз, машиналар, уларнинг эҳтиёт кисмлари, материаллар ва қурилиш майдонида жойлашган қурилиш ва монтаж предмети хисобланган бошка буюмлар;

Сүгурта киймати – сүгурта маңбаати билан бўғлик мулкнинг сүгурта Шартномаси тузилаётган пайтдаги ҳақикий киймати.

Сүгурта пули – полисида кўрсатилган ва Сүгурта ходисаси рўй берган тақдирда, Сүгурталовчи томонидан тўланадиган сүгурта товони пул маблагларининг микдори.

Моддий зарар бўйича сүгурта пули – қурилиш ишлари (охирги ва таҳминий, бунинг учун фойдаланиладиган материалларни хисобга олиб), келишилган қурилиш баҳоси, Буюртмачи таъминлайдиган қурилиш материаллари ёки элементлари, қурилиш майдонидаги асбоб ускуналар ва қурилиш асбоб ускуналари, илова килинган рўйхатга кўра қурилиш машиналари, тозалаш бўйича (сүгурта пулининг 2 фоизидан ошмаган ҳолдаги) ҳаражатлар суммаси.

Учинчи шахслар олдидағи фуқаролик Жавобгарлиги – Сүгурталовчи ва Сүгурта килдирувчининг ўзаро келишув асосида, ихтиёрий тарзда 100 000 000,00 (бир юз миллион) сўмгача микдорда белгиланадиган сүгурта микдори.

Сүгурта мукофоти – Сүгурта килдирувчи Сүгурталовчига мазкур Сүгурта шартномаси билан белгиланган тартиб ва муддатларда тўлаши лозим бўлган пул маблаглари микдори.

Сүгурта товони – Сүгурта ходисаси рўй берган тақдирда мазкур Сүгурта шартномасига мувофик, Сүгурта килдирувчи / Наф олувчига сүгурта пули доирасида тўланадиган пул маблагларининг микдори.

Сүгурта ходисаси – Сүгурта шартномасида назарда тутилган, хужжатлар билан тасдикланган ва сүгурта даври ва худудида ҳаракатан рўй бериши оқибатида Сүгурталовчининг сүгурта товонини тўлаш мажбуриятини вужудга келтирувчи ходиса.

Сүгурта даври – Сүгурта полисининг амал килиш даври. Сүгурталовчининг сүгурта ходисалари бўйича мажбуриятлари факат Сүгурта полисида кўрсатилган сүгурта даврида амал килади.

Сүгурта ҳудуди – Сүгурта шартномаси амал киладиган ҳудуд. Мазкур Сүгурта шартномаси бўйича сүгурта ҳудуди – Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мулк жойлашган жой (манзили) хисобланади.

Тозалаш бўйича ҳаражатлар – сүгурта ходисаси рўй берганидан сўнг, ҳудудни тиклаш ишларини амалга ошириш учун куляй шароитга келтириш билан бўғлик ҳаражатлар.

Шартсиз франшиза - Сүгурта килдирувчининг кўрган зарарининг бир кисми бўлиб, Сүгурта ходисаси натижасида Сүгурталовчи зарарнинг шу кисми учун жавобгарлик олиб бормайди.

Сүгурта жавобгарлигининг кучга кириш санаси – Мазкур шартнома учун хисобланган сүгурта мукофоти компания хисоб ракамига тўлиқ тушган санада 24:00 дан бошланади.

III. СҮГУРТА ҲОДИСАСИ

3.1. Сугурта ходисаси деб, Сугурта шартномаси тузилган, шартнома билан истисно килинмаган ходиса хақикатан хам сугурта даврида ва сугурта худудида рўй берган, ва хужжатлар билан тасдикланган ходиса тан олинади:

3.2. Сугурта Шартномаси асосида, Сугурталовчи Сугурта килдирувчининг мулкий мағфаатларини қуидаги хатарлар оқибатида мулки шикастланиши ёки йўқотилишидан сугурта химоясини тақдим этади:

- ёнгин, чакмок, портлаш, учувчи аппаратларнинг кулаши, ўз-ўзидан ёниш;
- ўгрилик ва учинчи шахсларнинг касддан содир этган харакатлари;
- сув тошкени ва сув босиши, кувурларнинг ёрилиши;
- бўрон, довул;
- зилзила, сел, кўчки, тупрокнинг чўкиши, ўпирлиш, кулаш;
- киска туашув, ортиқча кучланиш, электр ёйлари;
- машина ва механизмлар, курилиш материаллари ва конструкцияларнинг кулаб тушиши;
- нуксонли материаллар ва конструкцияларни онгиз равишда кўллашдан кўрилган зарар;
- курилиш-монтаж ишларини амалга ошириша учинчи шахслар олдида фукаролик жавобгарлиги пайдо бўлиши.

IV. СУГУРТА ПУЛИ ВА СУГУРТА МУКОФОТИ

4.1. Курилаётган обьект тўлиқ кийматининг 80 фоизидан ортиқ бўлмаган кисми ёки илгари бажарилган ишлар хажми, шу жумладан материаллар киймати хисобга олинган ҳолда режалаштирилаётган йилда барпо этилаётган обьект кийматининг бир кисми томонларнинг келишувига кўра сугурта пули бўлади.

Умумий сугурта пули миқдори Шартноманинг 1-иловаси декларациясининг 6-бандида кўрсатилган.

Умумий сугурта мукофоти миқдори Шартноманинг 1-иловаси декларациясининг 6-бандида кўрсатилган.

7-бандида кўрсатилган.

4.2. Мазкур Шартноманинг 1-иловаси декларациясининг 1-бандида ташкилот номи кўрсатилган.

4.3. Мазкур Шартноманинг 1-иловаси декларациясининг 2-бандида Курилиш Объектнинг манзили: кўрсатилган.

4.4. Мазкур Шартноманинг 1-иловаси декларациясининг 3-бандида Курилиш Объектнинг баҳоси кўрсатилган.

4.4. Мазкур шартноманинг 1-иловаси декларациясининг 4-бандида Моддий заарар бўйича сугурта жавобгарлиги миқдори кўрсатилган.

4.5. Мазкур шартноманинг 1-иловаси декларациясининг 5-бандида Учинчи шахслар олдидағи фукаролик Жавобгарлиги миқдори кўрсатилган.

4.6. Сугурта мукофоти Сугурта килдирувчи томонидан бир вактда тўлиқ тўланади.

4.7. Курилиш обьекти сугурта килдирувчига ва сугурталаш унинг фойдасига тузилган шахсга бөглиқ бўлмаган сабабларга кўра консервация килинганда сугурта шартномаси бўйича колган давр учун мутаносиб равишда хисоблаб чиқарилган сугурта тўловининг бир кисми сугурталовчи томонидан кайтарилиши мумкин.

4.8. Агар ишларни жадаллаштириш натижасида курилишнинг белгиланган муддати сугурта шартномасида кўрсатилган сугурта муддати тугашидан илгари тугаса сугурта тўлови кайтарилмайди.

V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА СУГУРТА ПОЛИСИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

5.1. Мазкур Сугурта шартномаси Сугурта килдирувчининг ёзма равишдаги Аризасига асосан Сугурталовчи ва Сугурта килдирувчи ўрталарида тузилди.

5.2. Мазкур шартнома бўйича Сугурталовчининг жавобгарлиги сугурталанган мол-мулк курилиш майдонига туширилган кундан бошланади. Сугурта килдирувчи томонидан сугурта мукофоти ўз вактида тўланганда ва бевосита курилиш майдонида иш ёки юк тушириш ишлари бошлангандан кейин шартномада кўрсатиб ўтилган санадан бошлаб кучга киради.

5.3. Сугурталовчининг жавобгарлиги сугурта мукофоти хисоб ракамига келиб тушган кундан бошланади.

5.4. Сугурталовчининг жавобгарлиги курилиш, монтаж килиш, асбоб ускуналарни бўш ва иш холатида синашнинг бутун даври мобайнида давом этади ва обьектни фойдаланишга топшириш пайтида, бирок сугурта полисида кўрсатилган санадан кечикмай тамом бўлади.

5.5. Сугурта шартномаси асосан Сугурталовчининг хисоб-ракамига Сугурта мукофоти тушган кундан бошлаб 5 (беш) кун ичida Сугурта полиси берилади.

5.6. Сугурта полиси Сугурта шартномасининг амал килиш муддатигача берилади.

5.7. Сугурта килдирувчи Сугурта полисини йўқотган ҳолда, унинг ёзма равишдаги аризасига асосан, Сугурталовчи Сугурта килдирувчига Сугурта полисини кўчирма нусхасини (дубликатини) ёзib беради. Йўқотиб кўйилган Сугурта полиси бекор килинади.

5.8. Сугурта шартномаси Сугурта килдирувчининг ёзма аризасига асосан (конун хужжатларида белгиланган тартибда) хар кандай холатда ўзгартирилиши, ўзгартиришлар киритилиши ёки тўхтатилиши мумкин.

5.9. Сугурталовчининг фаолияти тугатилган ҳолда, Сугурта шартномасининг амал килиши хам тўхтатилади. Сугурта шартномасига тегишли бўлган барча ҳуқук ва мажбуриятлар унинг конунчилик асосида белгиланган ҳуқукий ворисига ўтади.

5.10. Сугурталовчи Сугурта шартномасини тузишида Сугурта сюрвейери хизматларидан фойдаланиши мумкин.

VI. СУГУРТА ХОДИСАСИ

6.1. Мазкур шартномага асосан курилиш майдонида кутилмаган тасодифий ва тўсатдан рўй берувчи ходисалар натижасида сугурталанган мулкнинг шикастланишига ёки нобуд бўлишига сабаб бўлувчи хакикатда содир бўладиган воеалар, яъни ёнгин, чакмоқ, портлаш, учувчи аппаратларнинг кулаши, ўз-ўзидан ёниш, ўгрилик ва учинчи шахсларнинг касддан содир этган харакатлари, сув тошкени ва сув босиши, кувурларнинг ёрилиши, бўрон, довул, зилзила, сел, кўчки, тупрокнинг чўкиши, ўпирлиш, кулаш, киска туашув, ортиқча кучланиш, электр ёйлари, машина ва механизмлар, курилиш материаллари ва конструкцияларнинг кулаб тушиши, нуксонли материаллар ва конструкцияларни онгиз равишда кўллашдан кўрилган зарар, курилиш-монтаж ишларини амалга ошириша учинчи шахслар олдида фукаролик жавобгарлигининг пайдо бўлиши Сугурта ходисаси хисобланади.

6.2. Кўйидагилар Сугурта ходисаси хисобланмайди:

6.2.1. хар хил харбий харакатлар ёки харбий тадбирлар ва уларни оқибатлари, миналар, бомбалар, бошка уруш куролларининг таъсири, халк галаёнлари ва иш ташлашлари, терроризм, мусодара килиш, реквизиция, мол-мулкни хатлаб кўйиш, харбий ёки фукаролик мъмурлари ва бирон бир сийсий ташкилотларнинг фармойишига кўра мол-мулкнинг йўқ килиниши ёки шикастлантирилиши;

6.2.2. ядро портлаш, радиация ва радиоактив захарланиш;

6.2.3. Сугурта килдирувчининг, фойдасига сугурта тузилган шахснинг ёки уларнинг вакилларининг қасдан қилган харакати ёки кўпол эҳтиётилизлиги;

6.2.4. Сугурта килдирувчи фойдасига сугурта тузилган шахсларга ёки уларнинг вакилларига сугурта ходисаси бошлангунгача маълум бўлган хатолар, камчиликлар ёки нуқсонлар;

6.2.5. лойиха-смета хужжатларида назарда тутилмаган ишларнинг кисман ёки умуман тўхтатилиши;

6.2.6. айрим буюмларнинг каррозияга учраши, чириши, табиий эскириши, ўзидан- ўзи ёниши ёки бошқа табиий хоссалари, бунда ушбу ходисалар келтириб чиқарган баҳтсиз ходисалар натижасида бошқа сугурта килинган буюмлар шикастланишидан кўрилган зарарнинг ўрни копланади;

6.2.7. лойиха смета хужжатларида назарда тутилмаган тажриба ёки тадқикот ишлари;

6.2.8. курилиш техникини ва транспорт воситалари ички томонининг ташки омилларга боғлик бўлмаган холда синиши натижасида шикастланиши.

6.3. Сугурталовчи шунингдек обьектлар курилишида фойдаланиладиган нуқсонли материаллар, буюмлар ёки уларнинг кисмлари алмаштирилиши, тузатилиши ёки созланиши кийматини, шунингдек ишларни амалга оширишдаги хатолар кийматини хам тўламайди. Ушбу истиносо дахл килинган нуқсонли материаллар ва буюмлар билангина бевосита чекланиб колади, аммо материаллар ёки ишлардага бундай нуқсонлар натижасида тўғри курилган обьектлар ва буюмларга етказилган зарар копланишини истиносо кильмайди.

6.4. Ёнилги-мойлаш материаллари, кимёвий моддалар, совутиш суюкликлари ва бошқа ёрдамчи материаллар, сугурта килинган обьект томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (сугурталанган таваккалчиларклар учун зарур бўлган курилиш обьектларидан ташкари), кимматбахо металлар, тошлар, санъат асарлари, хужжатлар ва кимматли когозларнинг нобуд бўлиши ёки шикастланиши, шунингдек факат хатлов пайтида аникланган зарар, бой берилган фойда ёки шартномавий жарималар сингари бирор-бир билвосита зарар сугурта билан копланмайди.

6.5. Моддий зарар бўйича тўланмайдиган холатлар:

• ҳар бир сугурта ходисасига алоҳида Сугурта килдирувчи олиб борадиган зарар микдори учун шартномада кўрсатилган франшизага;

• ҳар хил хусусиятга эга бўлган жаримадан бошлаб, шартнома талабларининг бузилиши, бекор килиниши, тўловни кечикитиришда келиб чиқсан зарапларга;

• нотўғри лойихалаштириш натижасида бузилган жойга ва зарапларга;

• курилиш ишларини бажаришдаги хатоликларни ёки нуқсонли хом-ашёни бартараф этиш ёки таъмирлаш ёки созлаш ишларига, алмаштиришга кетганди шаражатларга;

• одатдаги об-хаво шароити таъсирида ёки фойдаланмаганилик натижасида эскириши, каррозияга учраши, оксидланишида баҳосини тушишига;

• курилиш майдонида курилиш машиналарини ва асбоб-ускуналарини механик ва электр бузилишлар натижасида бузилиши, издан чиши, мойлаш-совутиш суюкликларини музлаши, нуқсонли мойлаш ёки ёнилги-мойлаш хом ашёларини ва совутиш суюкликларини окиб чишиб кетиши, агарда бундай бузилишлар баҳтсиз ходиса туфайли бузилган хисобланиб кўшимча шикастланиши келтириб чиқарган бўлса бу зарап копланади;

• папка хужжатлари билан, чизмалар, когозлар, пуллар, хисоб варакалар, маркаларни ҳар хил тури, карз мажбурияти тўғрисидаги хужжатлар, кимматли когозлар ёки чеклар, банкнотларга зарап этиши ёки нобуд бўлишига;

• хатлов пайтида аникланган зараплар ёки шикастланишларга.

6.6. Жавобгарлик бўйича Сугурталовчи Сугурта килдирувчига куйидаги холларда келтирилган зарапларга жавобгарлик олиб бормайди:

а) Моддий зарар бўйича кисман ёки тўлик сугурталанган курилиш ишлари билан шугулланувчи пудратчи (пудратчилар), буюртмачи (буюртмачилар) ёки бошқа фирмаларнинг ишчи ва хизматчилари ёки уларнинг оила аъзоларининг касалланиши ёки танаси шикастланишига;

б) Моддий зарар бўйича кисман ёки тўлик сугурталанган курилиш ишлари олиб бориш топширилган пудратчи (пудратчилар), буюртмачи (буюртмачилар) ёки бошқа фирмалар уларнинг бошчилигига назоратда ёки сакловида турган мулкларига ёки ишчи ва хизматчиларига;

в) Йўлларда фойдаланишга рухсат берилган транспорт воситалари ёки сузуви воситалар ёки самолётлар келтириб чиқарган баҳтсиз ходисаларга;

г) келишмасдан олдин бор жавобгарлиқдан ташкари йўл кўйилиши мумкин бўлган ихтиёрий тартибда Сугурта килдирувчи кабул килган товои тўлаш бўйича мажбуриятлар ёки бошқа турдаги компенсацияларга.

VII. СУГУРТА ТОВОНИ МИКДОРИНИ АНИҚЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Моддий зарар бўйича Сугурталовчи ва Сугурта килдирувчи ўзаро кайд этиб ўтилган мулкларга ёки уларнинг кисмига сугурта муддати давомида Сугурта ходисаси натижасида кутилмагандан ва тўсатдан етказиладиган, тўланмайдиган холатлар бўйича шартлашилмаган сабаблар натижасида шикастланган, мулкни таъмирлаш ва алмаштиришга зарурят келтириб чиқарадиган моддий зарарни хисоб ракамига пул ўтказиш йўли билан коплаб беради, бирок жами ҳар бир сугурта ходисаси ва умумий сумма бўйича шартномада шартлашилган сугурта пулидан ошмаган миқдорда коплаб беради. Сугурталовчи сугурта ходисасидан кейин худудни тозалаш билан боғлик оқилона харажатларни хам тўлайди, бирок у сугурта пулининг 2.0 фоизидан ортик бўлмайди.

7.2.1 Жавобгарлик бўйича Мазкур шартнома доирасида зарап ёки шикастланиш куйидаги тартибида копланади:

а) сугурталанган мулкларнинг шикастланишидан аввалги холатига келтириш учун бартараф этиш мумкин бўлган шикастланиш таъмирлаш харажатлари бўйича копланади;

б) сугурталанган мулкларнинг шикастланиши окибатида тўлик нобуд бўлиши, мазкур шартномани шартларини бажариш ва кўшимча шартларига риоя килиш шарти билан мулкни ҳакиқий баҳоси билан бирок кўрсатилган сугурта пули миқдорида коплаб берилади.

Сугурталовчи таъмирлаш ишлари килинганилиги ёки шикастланган кисмини алмаштирилганлиги ҳакида хужжатлар ёки зарур хисоб-китоб хужжатлари тақдим килингандан сўнг зарарни коплаб беради.

Сугурта ходисаси рўй берганда таъмирлашга бериладиган барча шикастланишларни таъмирлаш ишларига кетган харажатлар сугурталанган мулкларни баҳосидан ошиб кетганда зарарни тугатиш “б” кичик бандидаги шартлар тартибда амалга оширилади.

Агар таъмирлаш охирги таъмирлашни охирги кисми хисобланиб, таъмирлаш ишлари бўйича жами харажатлар ошиб кетмаса, Сугурталовчи таҳминий таъмирлаш ишларига харажатларни коплаб бериши мумкин.

Мазкур шартнома доирасида бўлиши мумкин бўлган ўзгартиришларга, кўшимчаларга ёки янгиликларга алокадор харажатларга коплама тўланмайди.

7.2.2. Сугурталовчи жавобгарлик бўйича Сугурта килдирувчига юкори даражада шартномада кайд этилган Сугурта пули чегарасида, яъни Сугурта килдирувчи фукаролик жавобгарлиги олиб борадиган суммада:

- а) баҳтсиз ходиса рўй бериши натижасида учинчи шахсларни танаси шикастланишига ёки касалланишига (ўлимига);
Согликка етказилган зарар учун товоң кўйидаги миқдорларда тўланади:

Тан жароҳати оғирлиги	Тўлов миқдори (Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш хаки миқдори)
Одам ўлими	100
Тан жароҳати (I гурӯҳ ногиронлиги)	60
Тан жароҳати (II гурӯҳ ногиронлиги)	40
Тан жароҳати (III гурӯҳ ногиронлиги)	20
Ногиронликка олиб келмаган жароҳат ва бошқа тан жароҳатлари	10

б) сугурта даври мобайнида учинчи шахсларнинг мулкига баҳтсиз ходиса туфайли етказилган зарар ва шикастланишларга, агар бу баҳтсиз ходиса моддий зарар бўйича сугурталанган курилиш ва монтаж ишлари олиб борилаётганда курилиш майдонининг ўзида ёки бевосита ёнгинасида рўй берса коплаб берилади.

7.3. Сугурта ходисаси бошланганда Сугурта килдирувчи ёки сугурта шартномаси унинг фойдасига тузилган шахс, сугурталовчининг сўровномаларини ёки талабларини кутиб ўтирасдан, кўрилиши мумкин бўлган заарларни камайтиришининг имкони бўлган барча чораларини кўриши ва 7 календарь кундан кечикмай сугурталовчини содир бўлган ходисадан ёзма равиша хабардор килиши шарт.

7.4. Сугурта килдирувчи, Сугурта ходисаси юз берганда Сугурталовчига кўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- Сугурта ходисаси тўгрисида хабарнома;
- Сугурта полиси;
- Сугурта ходисасини тасдикловчи мутасадди ташкилотларнинг ҳужжатлари;
- Сугурта ходисаси натижасида заараланган Мол-мулкнинг фотосуратлари;
- Сугурта килдирувчи ўзига маълум бўлган Сугурта ходисасига оид бошқа маълумотлар.

7.5. Сугурта килдирувчининг ёзма аризаси олингандан ва сугурта товони тўлаш тўгрисидаги масалани хал этиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар олингандан кейин комиссия тузилади, комиссия таркиби Сугурта килдирувчининг ва сугурталовчининг вакиллари, шунингдек, зарурат бўлганда, манфаатдор шахс хисобига ваколатли ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

7.6. Барча тарафлар маълумотномага имзо чекадилар ва имзо чекиши жараённида ўз эътиrozларини маълумотномада акс эттирадилар.

7.7. Тузилган маълумотномалар Сугурта ходисаси тан олинганилиги ёки тан олинмаганлигини билдиримайди ва маълумотномалар асосида Сугурта товони тўланмайди.

7.8. Сугурталовчи тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириши ва зарур холатларда, бошқа керакли ҳужжатларни талаб килиши мумкин.

7.9. Сугурта килдирувчи ҳар кандай холатда ўз маблаглари хисобидан Сугурта ходисаси билан боялик бўлган барча ҳужжатларни (Сугурта ходисасини тасдикловчи ҳужжатлар нусхаси ва ходиса тафсилотлари хакида маълумотнома) ишлаб чикиш, харид килиши ва Сугурталовчига тақдим этиши шарт.

7.10. Сугурта килдирувчи Сугурта ходисаси содир бўлганда заараланган мол-мулкни таъмирлаш, сотиш, металломоломга топшириши ёки бирорвга бериш, ёкиб юбориш, йўқ килиш ва бошқа ишларни Сугурталовчи билан келишган холда (ёзма равиша) амалга оширади.

7.11. Сугурта товони хакиий етказилган зарар миқдорида, агар Сугурта шартномасида Франшиза кўлланилган бўлса, ушбу Франшиза миқдори хисобга олиниб, лекин шартномада белгиланган Сугурта пулидаги миқдоридан ошмаган холда белгиланади.

7.12. Сугурта пули обьект баҳосидан кам килиб белгиланганлиги учун Сугурталовчи Сугурта ходисаси юз берганда Сугурта килдирувчига у кўрган заарни Ўзбекистон Республикаси Фукаролик Кодексининг 936-моддасига асосан Сугурта пулининг обьект баҳосига бўлган нисбатига мутаносиб равиша коплайди.

7.13. Сугурта товони далолатномага кўл кўйилган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичидаги тўлаб берилади.

7.14. Сугурта товони мазкур Сугурта шартномасига асосан хисоб ракамга пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

7.15. Сугурта ходисаси рўй берганда яна амал килинаётган Сугурта шартномаси мавжуд бўлса ёки зарар етказган шахсдан Сугурта килдирувчи фойдасига моддий зарар ундирилган бўлса, тўланган ёки копланган заарни чегириб ташлаган холда Сугурта товони тўлаб берилади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҶУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Суѓурталовчининг хуҷуқлари:

• сугурталанган курилиш обьектининг холатини, шароитини Сугурта шартномасини тузишда ва амал килиш даврида хамда Сугурта ходисаси содир бўлганда текшириш:

- Сугурта килдирувчи Сугурта шартномаси шартларини бажармаганда, Сугурта шартномасини бекор килиш;
- мазкур шартнома хамда конунчиликда белгиланган тартибда Сугурта товоини тўлашни рад этиш;
- сугурталанган курилиш обьектида содир бўлган ходиса юзасидан йўқотилиш ёки шикастланиш бўйича айбор шахслар аникланган холларда тўланган Сугурта товоини улардан ундириб олиш хакида даъво килиш;

- Сугурта товони миқдорини аниқлаш учун Сугурта килдирувчидан мутасадди ташкилотларнинг далолатномаларини, эксперталар хулосаларини тақдим этишини талаб килиш;
- Сугурта килдирувчининг тақдим этган ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириш ва зарур холатларда, бошқа керакли ҳужжатларни талаб килиш;

- Сугурта килдирувчи олдида Сугурта товоини тўлаш бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилганида, Сугурта шартномасини муддатидан олдин бекор килиш;

- Сугурта сорвейери хамда Сугурта ходисалари бўйича Аджастер хизматларидан хизматларидан фойдаланиш.

8.2. Суѓурталовчининг мажбуриятлари:

- Сугурта полисини мазкур Сугурта шартномасига белгиланган муддатда Сугурта килдирувчига ёзб бериш;

- Сугурталанган қурилиш обьектида Сугурта ходисаси содир бўлганлиги тўғрисидаги хабарномани олгач, 3 (уч) кун ичидаги жойига чикиб етказилган зарарни аниклаш ва тегиши ташкилотлар вакили иштирокида маълумотнома тузиш;
- Сугурта ходисаси натижасида сугурталанган қурилиш обьектидаги етказилган зарар бўйича Сугурта товони миқдорини хисоблаб чикиш ва далолатнома асосида белгиланган муддатда тўлаш.

8.3. Сугурта килдирувчининг хуқуки:

- мазкур Сугурта шартномасида келишилган шартлар асосида Сугурта полисини Сугурталовчидан олиш;
- мазкур Сугурта шартномасининг амал килиш даврида шартномага доир саволларга Сугурталовчидан тўлик жавоблар олиш;
- Сугурта ходисаси содир бўлганда ушбу шартномада кўреатилган тартибда Сугурта товонини олиш.

8.4. Сугурта килдирувчининг мажбуриятлари:

Сугурта килдирувчи жавобгарликдан ташкири ўз хисобидан барча оқилона эҳтиёткорлик чораларини кўради ва шикастланишларни, заарларни бартараф этиш бўйича Сугурталовчи берган барча зарур тавсияларга риоя килиши, шунингдек қурилиш коида ва меъёрлари талабларига, асбоб ускуналар тайёрлаш тавсияларига амал килиши;

Курилиш майдонида ўт ўчириш ва ёнгинга карши қўйидаги чораларга тегиши махсус шартлар бажарилишини назоратга олади:

- керакли миқдордаги ишчилар ёнгинга карши асбоб ускуналардан фойдаланиш учун ўргатилган ва ёнгин бўлганда тезкор характеристга тайёр туриши;
- тегиши ёнгинга карши асбоб ускуналар ва керакли ўт ўчирувчи мосламалар доим иш ҳолатида туриши;
- объектда иш бошланганда барча ёнгинга карши қўрилган воситалар созланган ва фойдаланиш учун тайёр бўлиши;
- тезда ўт олувчан ва ёнувчан материаллар ёнида пайвандлаш ёки оловли ишлар ўтказишида битта ўқиган ишли ёнгин билан кураш учун шай тургандагина йўл кўйиши;
- барча қурилиш конструкцияларини, материалларини ва буюмларини тегиши коидалар ва меъёрлар талаби доирасида саклаши;
- энг якин ўт ўчириш бригадаси мазкур ҳудуд билан таништириш ва хохлаган пайтда шу ҳудудга эркин кириши учун рухсат бериши;
- қурилиш майдони ўралган ва унга киришни назорат килиши;

Ходиса рўй берганда мазкур шартнома доирасида талабни асосламокчи бўлганда Сугурта килдирувчи қўйидагиларга мажбур:

- Сугурталовчига хавф хусусияти ва эҳтимолдаги миқдорини ёзма равишда 7 календар кунида ҳабар килиши;
- заарларни камайтиришга мавжуд барча чораларни кўриши;
- заарланган кисмни саклаб қўйиш ва Сугурталовчининг вакилига ёки экспертга кўрикдан ўтказиш учун тақдим килиши;
- Сугурталовчига рўй берган ходисага таалукли барча маълумот ва хужжатларни тақдим килиши;
- кулф бузилиб амалга оширилган ўғирлик натижасида зарар қўрилганда содир бўлган воеа ҳакида хуқуки муҳофаза килиш идораларига ҳабар бериши;
- мазкур Сугурта шартномасидаги шартларни белгиланган муддатларда бажариш, уларни бузмаслик учун барча чораларни кўриши;
- белгиланган муддатларда Сугурта мукофотини тўлаши;
- Сугурта ходисаси содир бўлганда, Сугурталовчига белгиланган муддатда, ёзма равишда хабарнома бериш ва Сугурта товонини аниклаш учун зарур бўлган барча хужжатларни тақдим килиши;
- Сугурта килдирувчи мазкур мол-мулк бўйича бошка сугурта ташкилотлари билан тузилган барча сугурта шартномалари тўғрисида сугурталовчини ёзма равишда ҳабардор килиши;
- Сугурта ходисаси рўй берганда зарар миқдорини аниклаш учун зарур бўлган фотосурат ёки видеотасмалар билан Сугурталовчини таъминлаши;
- юридик манзили ва банк реквизитлари ўзгарганда Сугурталовчига 10 кун ичидаги ёзма равишда хабарнома бериши;
- Сугурта ходисаси содир бўлганда таъмирлаш ва бошка (сотиш, металломоломга бериш ва хоказоларни) ишларини Сугурталовчи билан келишилган ҳолда амалга ошириши.

IX. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

9.1. Сугурта Шартномаси исталган пайтда, бир томоннинг ёзма аризасига асосан бекор килиниши мумкин, бунда ёзма ариза Шартномани бекор килишининг таҳминий санасидан камида 5 (кун) кун аввал берилиши шарт.

9.2. Сугурта Шартномаси муддатдан аввал бекор килинган тақдирда, тўланган сугурта мукофоти қўйидаги тартибда кайтарилади:

а) Сугурта килдирувчи ушбу сугуртадан Сугурталовчи шартнома шартларини бузганлиги сабабли муддатдан аввал воз кечганда, сугурта мукофоти тўлик кайтарилади;

б) Шартнома томонлар келишувига асосан муддатдан аввал бекор килинганда, сугурта мукофоти Сугурта килдирувчига сугурталашнинг тугамаган даврига мутаносиб равишда, тўланган сугурта мукофотининг 25% миқдорида Сугурталовчининг иш юритиши бўйича харажатларини ва аввал тўланган сугурта товонининг миқдорини айриб, кайтарилади.

9.3. Сугурта Шартномаси Сугурта килдирувчи шартнома шартларини бузганлиги сабабли Сугурталовчи ташаббуси билан бекор килинса, сугурта мукофоти кайтарилмайди.

X. СУБРОГАЦИЯ

10.1. Сугурта килдирувчининг Сугурта ходисаси натижасида копланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш хукуки тўланган сумма доирасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 957-моддасига асосан Сугурталовчига ўтади. Сугурталовчига ўтган талаб қилиш хукуки унинг томонидан Сугурта килдирувчи ва зарар учун жавобгар бўлган шахс ўртасидаги муносабатларни тартибига солувчи коидаларга риоя килган ҳолда амалга оширилади.

10.2. Сугурта килдирувчи, Сугурталовчига ўзига ўтган талаб қилиш хукукини амалга ошириши учун зарур бўлган барча хужжатлар ва далилларни Сугурталовчига бериши, ҳамда барча маълумотларни унга маълум қилиши шарт.

10.3. Сугурта килдирувчи, Сугурталовчи томонидан копланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш хукукидан воз кечса ёки бу хукукини амалга ошириш Сугурта килдирувчининг айби билан мумкин бўлмаган бўлса, Сугурталовчи Сугурта товонини тўлик ёки унинг тегиши кисмни тўлашдан озод килинади ва ортиқча тўланган Сугурта товонини кайтарилиши талаб қилишга ҳакли бўлади.

XI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Томонлар сугурта Шартномаси бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик жавобгар бўладилар.

11.2. Агар томонлар сугурта Шартномаси бўйича мажбуриятларини енгиб бўлмас холатлар оқибатида (форс-мажор) бажаришмаса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар. Енгиб бўлмас холатлар таъсири остида колган томон иккинчи томонни айтиб ўтилган холатлар рўй берганлиги ва уларнинг тахминий давомийлиги тўғрисида дархол ёзма равишда хабардор килиши шарт.

11.3. Агар сугурта Шартномаси тузилганидан сўнг, Сугурта килдирувчи Сугурталовчига сугурта ходисаси рўй бериши эҳтимолини аниклаш учун аҳамиятли холатлар тўғрисида била туриб, ёлғон маълумотлар берганлиги аникланса, Сугурталовчи сугурта Шартномасининг ҳакиқий эмас деб тан олинишини ва Сугурта килдирувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилиги билан назарда тутилган оқибатларни кўллашни талаб этишга ҳакли.

XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

12.1. Мазкур Шартномадан чикиши мумкин бўлган барча низо ва келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал этилади.

12.2. Келишувга эришиш имконияти бўлмаганда, Сугурталовчи ва Сугурта килдирувчи ёки Наф оловчи – юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор ўртасидаги низо ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси Тошкент шахар Иктисодий судида кўриб якупин ҳал қилинади.

12.3. Келишувга эришиш имконияти бўлмаганда, Сугурталовчи ва Сугурта килдирувчи ёки Наф оловчи – жисмоний шахс ўртасидаги низо ва келишмовчиликлар жавобгар жойлашган манзил бўйича фуқоролик судида ҳал этилади.

12.4. Мазкур сугурта Шартномаси бир хил юридик кучга эга икки нусхада тузилган ва имзоланган бўлиб, хар бир тарафда биттадан нусха сакланади.

12.5. Мазкур сугурта Шартномасида акс эттирилмаган бошка шартлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги билан тартибга солинади.

XIII. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Мазкур Шартнома бўйича томонлар Шартноманинг иловаларини ва унга тегишли хужжатларни учинчи тарафга томонларнинг ёзма розилигисиз бермайди ва ушбу Шартномага тегишли бўлган барча маълумотларни сир саклайдилар.

13.2. Мазкур Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, Сугурталовчи ва Сугурта килдирувчicha битта нусхадан сакланади ва уларнинг хар бири бир хил хуқукий кучга эга.

XIV. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“Суғурталовчи”

“Суғурта килдирувчи”

«IMKON-SUG'URTA» АЖ

Манзил: Тошкент шаҳри, Мустакиллик шоҳ кўчаси

117 уй

тел:

20208 000 305 062 314 001

“Ипотекабанк” АТИБ Бош Амалиёт бошкармаси

Банк коди 00937 СТИР 306317501

ХХТУТ

Суғурталовчи номидан

“IMKON-SUG'URTA” АЖ Сурхондарё вилояти
филиали директори :

А.Х.Тўракулов

(имзо)



"Алоқа Имкон" МЧЖ

Адресс: Сариосиё туман Дустлик маҳ 232
Р/счёт 2020 8000 5046 5923 1001

АТБ «Кишлоқ курилиш банк» Сариосиё ф.
МФО 00934 ИНН: 300 627 476

Тел :90 645 18 81

Ф.Турсунов
(ф.и.ш.) М.Ў.

"ГАСДИКЛАЙМН"

бондарев

С.С.Ширшов



МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

№	Оңтүстік-шығыс жағдайы	Көрнеки бондарын на фінанс пілін түзудін шарты	Обеспечи муштад жарыста түркін шарты	2022 йыл 1-шінше кварталдағы мөндирий		2022 йыл 1-шінче кварталдағы мөндирий		2022 йыл 1-шінче кварталдағы мөндирий												
				01.01.22 8. жыныс таңдау мөндирий	01.01.22 9. жыныс таңдау мөндирий	01.01.22 8. жыныс таңдау мөндирий	01.01.22 9. жыныс таңдау мөндирий	01.01.22 8. жыныс таңдау мөндирий	01.01.22 9. жыныс таңдау мөндирий											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	
Сұхомандыр үйлердің біннен және:																				
1				39,6 894 7 обект	7 650,64	7 650,64	7 650,64	7 650,64	12 052,00	9 801,86	588,00	231,00	7,5 км 10 обект	7 650,64	360,78					
Кешек салынаттың жағдайы																				
1	Бағыттаған бүгінші МФИ КСЗ-дан жетекшілік сұрақтардың жағдайы*	2022 ғ	0,25 898						150,00	135,50	14,50									
1	Шеріктің 2022 ғасырдағы жетекшілік сұрақтардың жағдайы*	2022 ғ	0,4 898						550,00	523,50	26,50									
2	Көтүштік тұмандықтардың жетекшілік сұрақтардың жағдайы*	2022 ғ	0,4 898						450,00	426,50	23,50									
3	Шеріктің 2022 ғасырдағы жетекшілік сұрақтардың жағдайы*	2022 ғ	0,3 898						13,50											
3	Шеріктің 2022 ғасырдағы жетекшілік сұрақтардың жағдайы*	2022 ғ	0,3 898						6 023,46	6 023,46	5 890,02	5 520,97	5,9 км 8 обект	6 023,46	283,45					
4	Төртіншінде Гендерине МФИ жарыста шарты жетекшілік сұрақтардың жағдайы*	2022 ғ	0,5 898 1 обект	285,99	285,99	285,99	285,99	272,62	254,09	18,53	9,00	0,5 898 1 обект	285,99	13,37	№ 56489 12.08.2022 ғ	№ 137458 26.08.2022 ғ	"ORANT BARAKA ISTIQLOL" ХК			
4	Антор ұйымы Шеріктің МФИ жарыста шарты жетекшілік сұрақтардың жағдайы*	2022 ғ	0,8 898	140,83	140,83	140,83	140,83	134,24	125,23	9,01	4,00	0,8 898 1 обект	140,83	6,59	№ 55706 09.08.2022 ғ	№ 137375 26.08.2022 ғ	"ORANT BARAKA ISTIQLOL" ХК			
5	ЕСТ ЗА жетекшілік сұрақтардың жағдайы*	2022 ғ	9,01	9,01	9,01	- 81,5%	- 81,5%	- 81,5%	- 81,5%	- 81,5%	4,00									
6	Бағыттаған Пакистан МФИ жарыста шарты жетекшілік сұрақтардың жағдайы*	2022 ғ	0,2 898 1 обект	315,58	315,58	315,58	315,58	300,82	280,34	20,48	10,00	0,2 898 1 обект	315,58	14,75	№ 55105 06.08.2022 ғ	№ 137391 26.08.2022 ғ	"SURXON" ХК			
7	Лақап ұйымы Нұргестан МФИ жарыста шарты жетекшілік сұрақтардың жағдайы*	2022 ғ	1,5 898 1 обект	43,07	43,07	43,07	43,07	- 71,6%	- 71,6%	10,70	10,70	1,5 898 1 обект	721,58	33,93	№ 56408 12.08.2022 ғ	№ 140043 26.08.2022 ғ	"FORWARD-BG" МЖК			

— 7 —
Установление Кубомы во Кумами пошло съено хи икоюро шинто чукиманои съе аиномони во Аюдхиянтирии онитоси

"Kontek

"Сун тальмандын осава объектларды
курилиши бүгіншің күннен көмкүү компания" УК
Сүрекендардың жалпы худудын бойчырмасы болыпты

2022

Kejimui

“СУРГАТАМЫНОТЫ ВА ОКНА СУВ ОБЪЕКТЕЛДИ КУРЫЛЫШЫ БҮНЧА НИЖНИЙНГИ КОМПАНИЯСЫ” УК
ДИРЕКТОРИ

2022 年

“Календарь”

Узбекистон Республикаси
Иктисолий тарассиёт ва камбагчаликни
қискартириш вазирлиги

三